

Ушбу муборак ойда Мавлид шариф ҳақида уламолар фикри



11:34 / 16.09.2023 2085

Аҳли сунна вал жамоанинг кўзга кўринган етук уламолари томонидан мавлиди шариф қилиш жоиз эканлиги борасида айтган сўзлари.

Ҳофиз Суютий раҳматуллоҳи алайҳ: «Рабиул аввал ойида мавлидин-набий қилиш ҳақида, унинг шаръий ҳукми, бу иш яхшими, ёмонми, қилган одамга савоб бериладими, йўқми шу ҳақда сўралганида, у киши қуйидагича жавоб берди: «Менинг жавобим шуки, аслида одамларнинг жамланишиб муяссар бўлганича Қуръон тиловати, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ишларини аввалида бўлган хабарларни, у зотнинг туғилганларида содир бўлган мўжизаларни ривоят қилишлари ва охирида уларга егулик нарса улашилиб, бунга бошқа нарсалар зиёда қилинмай тарқалиб кетадиган бўлсалар, бидъати ҳасанадир. Уни қилган одамга Набий соллаллоҳи алайҳи васалламни улуғлагани, у зотнинг мавлидлари муносабати ила хурсандчилик изҳор қилгани учун савоб берилади».

Ибн Ҳажар Ҳайтабий раҳматуллоҳи алайҳ: «Хуллас калом: «Бидъати ҳасанани мандуб эканлигига иттифоқ қилинган. Мавлид қилиш ва инсонларнинг унга жамланиш (ҳукми) шунингдекдир, яъни: бидъати ҳасанадир».

Имом ибн Жавзий раҳматуллоҳи алайҳ: «Мавлиднинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўша йили омонлик, орзу ва мақсадларнинг ушалиши ила нақд хурсандчиликка етишишдир».

Имом ибн Ҳажар Асқалоний раҳматуллоҳи алайҳ: «Асрнинг ҳофизи бўлмиш Шайхулислам Абул Фазл Аҳмад ибн Ҳажардан мавлид ҳақида сўралди. У киши қуйидаги жавобни берди: «Мавлиднинг асли бидъат бўлиб, у ҳақида биринчи уч асрдаги салафи солиҳлардан ҳеч нарса нақл қилинмаган. Лекин, шу билан бирга бу иш яхшиликларни ва унга зид бўлган нарсаларни ўз ичига олгандир. Бас, ким яхшиликларини олиб, ёмонликларидан четда бўлса, бидъати ҳасана бўлади. Ким бундай қилмаса, бўлмайди».

Ҳофиз Ибн Носириддин Димашқий раҳматуллоҳи алайҳ «Вирдис содий фи мавлидил ҳодий» номли китобида қуйидагиларни айтади: «Саҳиҳ қавлда айтилишича, ҳар душанба куни Абу Лаҳабдан дўзахнинг азоби енгиллатилади. Чунки, у шу куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг туғилганларидан масрур бўлиб Сувайбани озод қилган.

Шеър:

أَدْلَحُكُمْ مَيْحَجَ لَأَيِّفِ هَادِي تَبَتَوْهُمَ دَعَا لِحِ أَرْفَاكَ أَذَهَنَ أَكْ إِذِي
أَدْمَحُ أَبْرُورُ سَلُّهُنَ عَفَّخِي أَمْئَادُنِي نِثَالِ مَوِيَّيْفِ هَنَّأَيَّتْ أ
أَدْحُومَ تَامَ وَأُرُورَسَمَ دَمَحُ أَبْهُرْمَعَنَ أَكْ يَدَّلِ دَبْغَ لِبَابِ نُّظَالِ أَمَفِ

Ёмонлиги аён бўлган куфр-у орда,
Қўли қурсин, жойи абадий норда.
Енгиллик бўларкан душанба рўзи,
Аҳмадга севинган кўрганда кўзи.
Не деб ўйлайсан, бир мўмин банда,
Умр бўйи Аҳмадга шод ўтган онда.

Солиҳлардан бири Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламини тушида кўриб, фақиҳларнинг мавлидларда шодиёна, байрам қилиш ҳақидаги гапларини айтганда у зот: «Ким биз ила хурсанд бўлса, биз ҳам у ила хурсанд бўлурмиз», деган эканлар.